

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА,
АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

613 «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг почта алоқасининг минтақавий (вилоят) ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари орқали пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 15 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2394-1

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги ва «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги 339-сон «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида»ги ва 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2012 йил 15 августдаги 58, 10-8/2927-сонли «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг почта алоқасининг минтақавий (вилоят) ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари орқали пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2394, 2012 йил 28 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 40-сон, 470-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 19 ноябрь,
76-сон

**Алоқа, ахборотлаштириш
ва телекоммуникация технологиялари
давлат қўмитаси раиси**

Х. МИРЗАХИДОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 19 ноябрь,
89-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Алоқа, ахборотлашти-
риш ва телекоммуникация технологиялари
давлат қўмитасининг 2014 йил 19 ноябрдаги
76, 89-мх-сон қарорига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг почта алоқасининг минтақавий
(вилоят) ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари орқали
пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил
этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарорга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарорнинг номи ва 1-бандидаги «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ» деган сўзлар «O'ZBEKISTON POCHTASI» AJ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Йўриқномада:

а) номи ва муқаддимадаги «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ» деган сўзлар «O'ZBEKISTON POCHTASI» AJ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1-бандда:

бешинчи ва саккизинчи хатбошилардаги «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ» деган сўзлар «O'ZBEKISTON POCHTASI» AJ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ахборот тизими — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва «O'ZBEKISTON POCHTASI» AJ ўртасида ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жихатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари, шунингдек пенсия ва нафақа олувчилар тўғрисидаги маълумотлар;»;

тўққизинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

ўнинчи хатбошидаги «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг» деган сўзлар «O'ZBEKISTON POCHTASI» AJнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 2-банднинг биринчи хатбошисидаги «Пенсия жамғармаси бўлими ва почта алоқасининг минтақавий ташкилотлари» деган сўзлар «Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармалари ва почта алоқасининг минтақавий ташкилотлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 12-бандда:

иккинчи хатбошидан «пенсиялар ва нафақаларни етказиб бериш (топшириш) бўйича хизматлар учун белгиланган тарифларни ҳисобга олган ҳолда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармаси почта алоқаси объектлари томонидан пенсия ва нафақа тўловларини етказиб бериш (топшириш) бўйича хизмат ҳақи учун маблағларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бошқармаси ва почта алоқасининг минтақавий ташкилоти ўртасида имзоланган солиштирма далолатномага асосан почта алоқаси минтақавий ташкилотининг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.»;

д) 18-банддаги «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ» деган сўзлар «O'ZBEKISTON POCHTASI» AJ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 26-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Почта алоқаси объектлари учун кейинги тўлов оyi учун қайдномалар аввалги тўлов оyi йиртиб олинадиган талонларидаги тўланган (тўланмаган) пенсия ва нафақаларнинг умумий сони ва суммаси тўғрисидаги маълумотлар билан реестр-ҳисоботлар ва почта алоқаси объекти томонидан ахборот тизимига киритилган маълумотларга мос келиши солиштирилгандан сўнг тузилади.

Қайдномалар ҳар бир алоқа бўлими бўйича комплектларда почта алоқасининг минтақавий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почтамтлар, почта алоқаси боғламалари)га топширилади. Қайдномалар комплектига қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ шакл бўйича уч нусхадаги реестр-ҳисобот;

мазкур Йўриқноманинг 6-иловасига мувофиқ шакл бўйича икки нусхадаги кузатув рўйхати.

Пенсиялар ва нафақаларни тўлаш мониторинги гуруҳининг раҳбари томонидан қайдномалар ахборот тизими орқали почта алоқаси объектлари-га юборилади.»;

ж) 28-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. Пенсиялар ва нафақалар тўланишининг назоратини ташкил қилиш учун почта алоқасининг минтақавий ташкилотлари ва почта алоқаси объектлари (почтамтлар, почта алоқаси боғламалари)да пенсиялар ва нафақалар тўланишини назорат қилиш гуруҳлари (бундан буён матнда назорат қилиш гуруҳи деб юритилади) ташкил қилинади.

Назорат қилиш гуруҳининг раҳбари Пенсия жамғармасининг тегишли бўлиmidан қайдномаларни ва уларга илова қилинган ҳужжатларнинг тўғри

расмийлаштирилганлигини ва Пенсия жамғармаси бўлими томонидан ахборот тизими орқали юборилган қайдномаларга мослигини текширган ҳолда қабул қилиб олади.

Қайдномалар тўғри расмийлаштирилганда ва қайдномалар Пенсия жамғармаси бўлими томонидан ахборот тизими орқали юборилган қайдномаларга мос келганда назорат қилиш гуруҳининг раҳбари кузатув рўйхатининг иккала нусхасини имзолайди. Почта тақвим штемпелининг изи туширилган кузатув рўйхатининг нусхаларидан бири Пенсия жамғармасининг бўлимига қайтарилади.»;

з) рус тилидаги матннинг 29-банди биринчи хатбошисидан «к ней» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

и) 34-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда яшовчи пенсия ва нафақа олувчилар бошқа шахсга шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан тасдиқланган ишончномани берган ҳолда пенсия ёки нафақани олиш учун ваколат бериши мумкин.»;

к) 46-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«46. Почта алоқаси объектлари ҳар куни тўланган (тўланмаган) пенсия ва нафақа суммалари тўғрисида маълумотларни Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этадилар. Тўлов ойи учун пенсия ва нафақалар тўловлари (етказиб бериш) якунлангандан сўнг почта алоқаси объектлари тўланган (тўланмаган) пенсия ва нафақа суммалари тўғрисида якуний маълумотларни, шунингдек йиртиб олинadиган талонлар ва реестр-ҳисоботларни ахборот тизими орқали Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этадилар.

Тегишли текширувдан кейин почта алоқасининг минтақавий ташкилотлари ёки почта алоқаси объектлари (почтаamt, почта алоқаси боғламаси) томонидан пенсиялар ва нафақаларнинг етказиб берилиши (топширилиши) тўғрисидаги ҳисобот, йиртиб олинadиган талонларнинг барча комплектлари битта нусхадаги реестр-ҳисобот билан бирга ҳисоботлар қабул қилинган вақтдан бошлаб икки иш кунидан кечиктирмасдан мазкур Йўриқноманинг 9-иловасидаги шакл бўйича кузатув рўйхати билан Пенсия жамғармасининг бўлимига жўнатилади. Пенсиялар ва нафақаларни етказиб бериш (топшириш) тўғрисидаги ҳисобот, йиртиб олинadиган талонлар комплекtlарининг кузатув рўйхатлари назорат қилиш гуруҳининг раҳбари, почта алоқасининг минтақавий ташкилоти ёки почта алоқаси объекти (почтаamt, почта алоқаси боғламаси) нинг бош бухгалтери ва раҳбари томонидан имзоланади ҳамда муҳр изи билан тасдиқланади.»;

л) 50-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Йиртиб олинadиган талонлар ва реестр-ҳисоботларнинг жами суммаларини ахборот тизимидаги маълумотлар билан мослиги.»;

м) 57-банддаги «Ўзбекистон почтаси» ОАЖга» деган сўзлар «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

н) 1, 3 — 11-иловаларнинг илова белгисидаги «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг» деган сўзлар «O‘ZBEKISTON POCHTASI» AJнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

о) 2-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар «O‘ZBEKISTON POCHTASI» АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган.

«O‘ZBEKISTON POCHTASI»

АЖ бош директори

Р. ҚОСИМОВ

2014 йил 19 ноябрь

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2014 йил 19 ноябрь

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг почта алоқасининг минтақавий (вилоят) ташилотлари ва почта алоқаси объектлари орқали пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташиқ этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга ИЛОВА

«О‘ЗБЕКISTON POCHTASI» АЖнинг почта алоқасининг минтақавий (вилоят) ташилотлари ва почта алоқаси объектлари орқали пенсиялар, нафақалар ва бошқа тўловларни тўлашни ташиқ этиш тўғрисидаги йўриқномага 2-ИЛОВА

«O‘ZBEKISTON POCHTASI» aksiyadorlik jamiyati		112-ш.	
_____ -son (11-sh. reestr bo‘yicha)		Qabul qilish	
_____ -son (10-sh. reestr bo‘yicha)			
Pochta aloqasi obyektini nomi, nazorat-geraldli muhri		Qabul qilish joyi taqvim shtempeli izi	5-sh. daftar bo‘yicha raqam
		Summa, xizmat turi, operator familiyasi	
TUZATISHLARGA YO‘L QO‘YILMAYDI	_____ so‘m _____ tiyin uchun ODDIY PUL O‘TKAZMASI (so‘mlar so‘zlar, tiyinlar raqamlar bilan)		
	Kimga _____		
	Qayerga _____ (batafsil manzil, pochta indeksi)		
	Kimdan _____		
	Manzil _____ (batafsil manzil, pochta indeksi)		
	_____ (jo‘natuvchi shaxsini tasdiqlovchi hujjat nomi va ma‘lumotlari)		
			_____ (shifrlar va imzo)
QIRQISH CHIZIG‘I			
«O‘ZBEKISTON POCHTASI» aksiyadorlik jamiyati _____ so‘m _____ tiyinlik _____ -son oddiy pul o‘tkazmasi uchun (5-sh. daftar bo‘yicha) TALON Kimdan _____ _____ _____ Manzil _____ _____ _____		_____ -son «O‘ZBEKISTON POCHTASI» (11-sh. reestri bo‘yicha) aksiyadorlik jamiyati _____ so‘m _____ tiyinlik _____ -son oddiy pul o‘tkazmasi to‘g‘risida (5-sh. daftar bo‘yicha) BILDIRISHNOMA Kimga _____ Qayerga _____ _____ _____ Xizmatga oid qaydlar _____ (to‘lanmaslik sabablari) _____ dan _____ gacha (olish uchun qayerga kelish kerak va vaqti)	
Yo‘g‘on chiziq bilan bo‘yalgani jo‘natuvchi tomonidan to‘ldiriladi 112-shakldagi oddiy pul o‘tkazmasi blanki namunasini			

